

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

## ХИВА ХОНЛИГИ ВА АМУДАРЁ БҮЛМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА ИЖТИМОИЙ ТУЗУМИ ( XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)

**Анвар Абдуллаев**

Ажиниёз номидаги НДПИ т.ф.ф.д., (PhD)  
доцент

**А.Ктайбеков**

«Тарих ўқитиши методикаси» кафедрасы  
ассистент ўқитувчиси

**А.Аймурзаев**

70111101-Ижтимоий-гуманитар фанларни  
ўқитиши методикаси (Тарих) 1- курс  
Магистранти

**Резюме:** Мазкур маколада XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг ўрталарига келганда Орол денгизининг қуяр жойларида Хива хонлиги жуда катта ҳудудни эгаллаган. Хонлик таркибида яшовчи ўзбеклар, қозоқлар-қирғизлар, туркманлар, форслар, қорақалпокларнинг жойлашуви ва ижтимоий тузумининг шаклланиши жараёнини күришимиз мумкин.

**Таянч сўзлар:** Амударё, бўлим, бий, қози, ўлка, ургуз аймоқчилик, ҳудудий, Марказий Осиё, Хива хонлиги, делта, Шимолий-Ғарбий, Шарқий.

**Резюме:** В данной статье Хивинское ханство в конце XVIII - середине XIX веков занимало очень большую территорию в низовьях Аральского моря. Мы можем видеть расположение и процесс формирования социального строя узбеков, казахов-киргизов, туркмен, персов, каракалпаков, проживающих в ханстве.

**Ключевые слова:** Амударья, участок, бий, казы, страна, трибализм, регион, Средняя Азия, Хивинское ханство, дельта, Северо-Запад, Восток.

**Resume:** In this article, at the end of the 18th century and the middle of the 19th century, the Khanate of Khiva occupied a very large area in the lower reaches of the Aral Sea. We can see the location and formation process of the social system of Uzbeks, Kazakh-Kyrgyz, Turkmen, Persians, Karakalpaks living in the Khanate.

**Key words:** Amudarya, uchastok, biy, kazy, strana, tribalism, region, Central Asia, Khivinsky khanate, delta, North-West, Vostok.

Дунёнинг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё тарихида Орол дengизи ва унинг атрофида яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, Орол дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли ниҳоятда аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг ўрталарига келганда Орол дengизининг қуяр жойларида Хива хонлиги жуда катта ҳудудни эгаллаган. Хонлик таркибида яшовчи ўзбеклар, қозоқлар-қирғизлар, туркманлар, форслар, қорақалпокларнинг

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

жойлашуви ва ижтимоий тузуми ўзига хослиги билан ажралиб турадиган [А.Вамбери. С. 253-255].

Хива хони Мұхаммад Амин иноқ (1755-1790) рухсати билан қорақалпоқлар Амударё дельтасининг шарқий қисмидаги Кўкўзак дарёсининг ва Орол денгизи ўртасидаги ерларга жойлаштирилган [Я.Гуломов. С.222].

Натижада, қорақалпоқлар Амударёнинг ўнг қирғидағи Чилпик атрофидан бошлаб, то Амударёнинг чап қирғидағи Қипчоққача бўлган ерларни бутунлай ўзлаштирган.

Аниқроғи, Амударёнинг ўнг томонида Гурланнинг тўғрисидаги ҳудудда Кўнғиротгача [А.Вамбери.С.257] бўлган ҳудудларни ўз ичига олган. Чимбойга Амударёнинг ўнг томонидаги Султан Увайс тоғининг жанубидаги ерлар [А.Вамбери.С.25-128]; Кўнғирот хўжалик туманига дарёning чап томонидаги ерлар - Чўманай, Қиётярган, Ҳўқиз каналларининг бўйларидағи ерлар кирган. Шундай қилиб, XIX асрга келиб, қорақалпоқлар, шу билан бирга, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ҳам Чимбой, Шўрахон, Мангит, Қипчоқ, Кўнғирот, Ҳўжайли ҳудудларида яшаган [5.Б.22.]

Ушбу тақлидда ахолининг яшаши давом этган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда қорақалпоқлар яшаётган ҳудуд янада аниқроқ кўзга ташланади ва ҳудудий чегараси қўйидагича кўринишни олади.

Энди аввалги марказ шаҳарлар яққол марказ шаҳарларга айланиб боради. Яъни, биринчиси – Амударёнинг ўнг томонида Чимбой тумани маркази Чимбой; иккинчиси – Амударёнинг чап томонида Қунғирот тумани маркази Қунғирот шахри бўлиб қолаверган. Чимбойга – Амударёдан Султон Увайс тоғигача бўлган ҳудуд, кейинчалик Даўкара ва Таллық ҳудудлари кирган. Даўкарага – Қуанышжарма каналининг ўрта ва қуи оқимларидаги Увайс, Пурхон, Кўк-узак, Наўпир, Ишим ирмоқларини ўз ичига олган Амударё дельтасининг шарқий қисми кирган. Таллық – Ишан жыққан, Еркиндарё, Қазаҳдарё, Оролнинг жанубий қисмидан Кўк ирмоғигача бўлган ҳудудларини ўз ичига олган, Амударё қуи оқимининг шимолий-гарбий қисми кирган [С.Камалов С.85-86].

Хива хонининг шимолий – шарқий қисмидаги ҳудудларда эса яъни, Хўжа эли округидан Қият-ёрган канали, Окуз ирмоғининг (проток) қуяр жойи, Кўнғирот шахри атрофлари, Кўк ўзак ҳудудлари, Оқ қалъа, Таў қара, Таллық, (Таллық бўлиши мумкин.– П.П. Иванов) Эшим канали, Чўртсанбой, Таллы ўзак, Талы узак, Сары майли, Сары чунгул, Қора Бойли, Қора яб, Чукур кўл атрофларида, қорақалпоқлар шу билан бирга ўзбек, туркман ва қозоқлар ҳам жойлашган ва улар мазкур ҳудудларда биргаликда яшаган.

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

Чимбай, Хужай.ли, Қўнғирот, Нукус савдо-сотиқ марказларидан ҳисобланган [П.П.Иванов. С208-229].

Ушбу ҳудудда яшаган аҳоли Хива хонлиги фуқаролари сифатида Хива хонига солик тўлаган ва хоннинг барча бўйруқ ва фармонларини бажарган.

Аҳоли ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда яшаган. Дехқончилик, чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик билани шуғулланган ва Хива хони иқтисодиётига маълум даражада улуш кўшиб турган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда, йирик ер эгалари, чорвадорлар, балиқчилик ҳавзаларига эга бўлган бойлар пайдо бўла бошлаган. Шу билан бирга, ўта камбағаллар ва кичкина ерга эга бўлган аҳоли вакиллари ҳам яшаган. Улар бой хонадон эгаларининг хизматини қилиш билан ҳам кун кўришган [М.К.Нурмухамедов, Т.А. Жданко, С.К.Камалов.С. 28-29].

Қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий турмушида уруғ аймоқчилик кенг тус олган ва улар мағкурасининг асоси ҳисобланган. Уларда уруғга бўлиниш доимий сақланган [С.Камалов. Б.38]. Хива хони уларни уруғ амалдорлари-бийлари, бойлари, руҳонийлари орқали бошқарган.

Ушбу ҳудудда яшовчи қорақалпоқларнинг ижтимоий тузилишига келсақ, улар бир нечта уруғлардан ва қавмлардан иборат бўлган. « Армений Вамберининг ёзишича қорақалпоқлар Оксуснинг (Амударё –А.А.) нариги томонида Гурланнинг тўғрисида Қўнғиротгача бўлган ҳудудларда яшаган [А.Вамбери.С.250].

Йирик уруғларни бийлар, майда уруғларни оқсоқоллар бошқариб борган, XIX асрнинг иккинчи ярмида улар сони 89 та бий бўлган [11. С.24-29]. Қорақалпоқлар ушбу ҳудудда яшовчи бошқа миллат вакиллари қаторида, Хивага сиёсий жиҳатдан қарам бўлган.

Юқори табақага - оталиқ, беглар беги, бий, мироб, юзбоши, катхуда, мулла, эшон, қози ва бошқа амалдорлар кирган. Қорақалпоқлар уларни «бойлар» ёки «борлар» деб атаган.

XIX асрнинг бошларидан бошлаб, яъни 1810 – 1873 йиллар оралиғида ўзбек, қозоқ, туркман ва қорақалпоқларнинг Хива хонлигига қарши ҳаракатлари ва қўзғолонлари ҳам бўлиб турган.

Натижада, Хива хони Сайд Мұхаммад хон II даврида ушбу ҳудуддаги аҳолини бошқариш тартиби ўзgartирилди. Бийлар 1859 йилдан бошлаб оталикларга бўйсунадиган бўлган. Жами бўлиб, 4 та оталиқ лавозими ўрнатилди. Оталиқлар беглар бегига бўйсундирилган.

Уларнинг ўринбосарлари ноиблар ҳисобланган. Ноибларни оға бий назорат

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

қилган. Ушбу лавозим ўша даврдаги энг нуфузли лавозимлардан ҳисобланган.

Хива хонлигиде судлов жараёни қози ва муфтийларнинг ҳусусий уйларида мачтларда урғ одатларга асосланган ҳолда амалга оширилган [А.Вамбери С.251].

1873 йил Амударёning ўнг томонидаги ерлар Россияга ўтказилгандан кейин Амударё округи кейинчалик бўлими деб аталиб, Туркистон Генерал Губернаторлиги таркибига киритилади.

Бу даврга келиб, Амударё бўлимида 15 та бўлислик, 41 нафар халқ судлари, 1нафар катта оқсоқол, 9 нафар овул оқсоқоллари, 62 нафар қишлоқ оқсоқоллари фаолият юритган [13]. Ўлкада ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари яшаган. Амударё бўлимида ўзбеклар ўтроқ ҳаёт кечирган. Қорақалпоқлар, қозоқлар эса, кўчманчи ва яrim кўчманчи ҳолатида яшаган. Кўчманчи аҳоли жойлашган худудларда судьяларнинг съездлари ҳар бир бўлисда уч нафардан кам бўлмаган судьялар қатнашганда, қонунга мувофиқ ҳисобланган. Съездлар зарурият туғилганда чақирилган ва уезд бошлиғи томонидан олдиндан белгиланган бўлиб, съезда бўлис бошлиқлари иштироқ этган ва улар тинчликни таъминлаш учун кузатувчи вазифасини бажарган. Халқ судьялари съездига келган судьялар ўзларининг орасидан ишни қараб чиқиш учун раис сайлашган ва съезд қарорини китобга киритиб, расмийлаштирган.

Архив ҳужжатларини таҳлил қилиб, шундай хulosага келдикки, Амударё бўлиmidаги қозилар ва бийлар суди ишини худудий ва фаолияти жиҳатидан бизнинг назаримизда шартли равишда учта гурухга бўлиб, ўрганиш мумкин:

Биринчи гурухга – асосан ўзбеклар яшайдиган худудлар – Шўрахон, Тўрткул, Шайх–аббос–вали, Ишим ва Чимбой худуди кирган ва бу жойларда қозилар суди фаолият кўрсатган;

Иккинчи гурухга – асосан қозоқлар, қорақалпоқлар яшайдиган худудлар – Мингбулоқ, Тамды, Кўк–кўл, Наўпир худудлари кирган ва у ерда бийлар суди иш олиб борган;

Учинчи гурухга – ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ-қирғизлар [А.Вамбери. С.255-275] аралаш яшайдиган худудлар - Бийбозор, Қўнғирот, Талдық, Даўқара, Нукус ва Кегейли худудлари кирган ва жойларда қозилар ва бийлар судлари тенгдек фаолият юритган.

Тадқиқ этилаётган даврда, кўчманчи ва яrim кўчманчи аҳоли орасида уруғ-урұғ бўлиб яшаш давом этган. Бунга сабаб, бир уруғ вакилларининг иккинчи уруғ вакиллари устидан устунлиги кучайиб кетмаслигига кафолат сифатида бийлар суди сон жиҳатдан нисбатан кўпроқ ташкил этилган. Архив ҳужжатларида ёзилишича,

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTWI, TARİYXNAMASI HÂM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

айрим ҳолларда халқ судларини сайлаш пайтида бирон уруғ вакили судья бўлиб уч йилга сайланадиган бўлса, ўша уруғ вакили асосан барча суд жараёнларида бошқа уруғ вакили устидан ғалабага эришиб келган [15].

Амударё бўлими ўлка маъмурияти томонидан икки катта қисмга – Чимбой ва Шўрахон участкаларига бўлинган. Шўрохон участкаси аҳолиси ўтроқ, Чимбой участкаси аҳолиси кўчманчи ҳолатда яшаган [16.С.12]. Бу икки худудда 41 нафар қозилар ва бийлар суди, 10 нафар қози, 31 нафари бийлар суди умумий ҳисобда 41 нафар қозилар ва бийлар суди фаолият кўрсатган

Амударё бўлимида 41 нафар қози ва бийлар суди бўлганлигини 1889 йил 1 июнда рус маъмурлари томонидан ёзилган 702/5700 – сонли хат ҳам тасдиқлайди[17].

1888 йилда Амударё флотилиясининг ташкил этилиши темир йўлга чиқиш имкониятини яратди, мазкур йўл орқали Амударё бўлими Россия империяси маркази билан боғланди. Амударё бўлимининг Петро-Александровск ва Чимбой шаҳарлари орасида тўғри йўл пайдо бўлди. Хивадан шимолга – то Казалинск ва Перовсккача, гарбга ва Каспий денгизигача, жанубга Ашхабод ва Бухорогача, шарққа Жиззах ва Тошкентгача бўлган карвон йўлларида хавф-хатар камайди. 1912 йилда Петро-Александровск ва Чоржўй орасида телеграф тизими қурилди.

ХХ асрнинг бошларида Амударё бўлими аҳолиси этник таркиби жиҳатидан асосан қорақалпоклар (95.000 киши), ўзбеклар (55.000 киши), қозоқлар (40.000 киши) туркманлар (16.000 киши)дан иборат эди. Қорақалпок, ўзбек, қозоқ, туркманлардан ташқари руслар (5526), араб, форс ва татарлар (551), поляклар (51), арманлар (74), немислар (10), яхудийлар (13) ҳам истиқомат қилган [Т.Г.Тухтаметов. С.79].

Шундай қилиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу худудларда яшовчи халкларнинг ижтимоий-иктисодий, маданий ривожланиш ўзгачаликлари ҳисобга олинмасдан, Россия империясининг талаб ва шартларига тўлик мувофиқлаштирилиб борилди.

Подшо Россияси томонидан юритилган мустамлакачилик бошқарув тизими қорақалпокларнинг ўз-ўзини бошқариш тартибини бузди. Албатта, табиий равища ҳалқнинг миллий талаблари метрополияни қизиқтирmas эди.

Шу билан бирга, Туркистон ўлкасини бошқаришнинг Низоми (1886), Амударё оқругини бошқаришнинг вақтинчалик Низоми (1873) ва бошқа қонун-қоидалар қабул қилинди. Ўлкани бошқариш Россия империяси қонуллари асосида қайта ташкил этилди ва бошқарув тизими ҳам ўзгартирилди.

# **«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Часть II. Москва. 1874. – С. 253, 254, 255.
2. Я.Гуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Издательство Академии наук Узбекской ССР. Т.1959. – С.222.
3. А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Часть II. Москва. 1874. –С.257
4. А.Вамбери. Очерки Средней Азии / Дополнение к путешествию по Средней Азии. Москва. 1868. – С.125-128
5. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX əsirdiң екинши ярымынан XXI əsирге шекем. «Қарақалпақстан». 2003. – Б.22.
6. С.К.Камалов. Каракалпаки в XVIII-XIX веков. Издательство. «Фан». Т.1968. – С.85-86.
7. П.П.Иванов. Архив Хивинских ханов XIX в исследование описание документов с историческим введением. Ленинград. 1940. – С. 208, 214, 216, 217, 229.; С.К.Камалов, Ж.У. Уббиниязов, А.К.Қощанов. Из истории каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII-начале XX вв. Издательство. «Фан». Т. 1988. – С.55.
8. М.К.Нурмухamedов, Т.А. Жданко, С.К.Камалов Каракалпаки . УзССР. Ф.А.»Фан», 1971; 28-29С.
9. С.Камалов «Қарақалпақлардың XIX əsirdegi Хийўа ханлықларына қарсы халық азатлық гүреслери». «Қарақалпақ мәмлекет баспасы». 1955.-Б.38.
- 10.А.Вамбери. Путешествие в Средней Азии. II часть . 1874. С.250.
- 11.Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX əsirdiң екинши ярымынан XXI əsирге шекем. «Қарақалпақстан». 2003. -Б.24, 25, 29.
- 12.А.Вамбери. Путешествие в Средней Азии. II часть. 1874. – С 251.
- 13.ЎзРМДА. И-907-жамғарма, 1-рўйхат, 285-йиғма жилд, 76-о, варак.
- 14.А. Вамбери. Путешествие по Средней Азии. 1874.–С.255,275.
- 15.ЎзР МДА. Р-25 жамғарма, 1-рўйхат, 946-йиғма жилд, 4-варак.
- 16.Военно статистическое описания Хивинского оазиса. II часть. Составлено ген. Штаба капитаном Гиршфельдом. Переработана нач. Аму-Дарьинского отдела ген. Майором Галкиным. Т.Типография штаба Туркестанского военного округа. 1903. –С.12
- 17.ЎзР МДА. И-907-жамғарма, 1-рўйхат, 285-йиғма жилд, 54-55-варақлар.
- 18.Т.Г.Тухтаметов Амударъинский отдел (социально-экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса) Нукус. 1977. С -79.